# Жорий йилнинг 22 июн куни Халқ депутатлари Олтинсой туман Кенгашининг Таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, спорт ва ижтимоий ҳимоя масалалари бўйича доимий комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони 2020 йил 6 ноябрь, ПФ-6108-сон фармонининг ижроси юзасидан 2021 йил 1 январдан бошлаб умумтаълим муассасалари директорларини лавозимга тайинлашнинг халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашлари билан келишилган ҳолда амалга ошириш тартиби жорий қилинган.
Мазкур фармоннинг ижроси юзасидан Халқ депутатлари туман Кенгашлари томонидан танлов натижаларига кўра умумтаълим муассасаси директори лавозимига тайинлаш учун энг яхши 3 йиллик дастур эгаси шаффофлик тамойиллари асосида танлаб олинади ҳамда лавозимга тўлиқ ва синов муддатига тайинланди. умумтаълим муассасаси директори йил якуни бўйича халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашлари ва жамоатчилик вакилларига 3 йиллик дастурнинг ижроси юзасидан 4-29-50-56-57-60-64-65-сонли умумтаълим мактаби директорларининг ҳисоботлари эшитилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.